ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

ЦИФЕРОВА НАРГИЗА АЛЕКСАНДРОВНА

КУЛЬТУРАДАГИ ҲУЖАЙРАЛАРНИНГ ПЛАЗМАТИК МЕМБРАНАСИДАГИ АНИОН ТРАНСПОРТИ ТИЗИМЛАРИ

03.00.02 – Биофизика ва радиобиология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 577.352.465

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Циферова Наргиза Александровна
Культурадаги ҳужайраларнинг плазматик мембранасидаги анион транспорти тизимлари.....3

Циферова Наргиза Александровна
Системы транспорта анионов плазматических мембран клеток в культуре.....22

Tsiferova Nargiza Aleksandrovna
Anion transport systems of plasma membranes of cells in culture…….....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....45

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

ЦИФЕРОВА НАРГИЗА АЛЕКСАНДРОВНА

КУЛЬТУРАДАГИ ҲУЖАЙРАЛАРНИНГ ПЛАЗМАТИК МЕМБРАНАСИДАГИ АНИОН ТРАНСПОРТИ ТИЗИМЛАРИ

03.00.02 – Биофизика ва радиобиология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/B8 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ibb-nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот–таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Сабиров Равшан Заирович** биология фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Мирходжаев Улугбек Закирович** биология фанлари доктори, профессор
	Тонких Анатолий Константинович биология фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**ЎзР ФА Геномика ва биоинформатика маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.B.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор т., Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246–68–96.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246–68–96. e–mail: www.ibb-nuu@mail.ru.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги №_____ рақамли реестр баённомаси).

Саатов Талъат Саатович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, б.ф.д., академик

Асраров Музаффар Исламович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

Ахмеджанов Искандар Гулямович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда ҳар йили тери саратонининг 2 миллиондан 3 миллионгача меланомасиз ва юз мингдан ортиқ меланомали ҳолатлари қайд этилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, саратоннинг ҳар бир учинчи диагнози – бу тери саратонидир. Меланома каби кимёвий терапияга қарши анча чидамлиликка эга бўлган онкологик касалликларни даволашда эришилган ютуқларга қарамасдан, уларнинг кечиши таҳдидли бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам янги кимёвий терапевтик воситаларни, ҳам янги нишонлар – ион каналларини излаш замонавий биофизика ва онкологиянинг ўта долзарб вазифаси ҳисобланади. Бундай нишонлардан бири бўлиб, ҳужайранинг анион транспорти системасига кирувчи ҳажм фаоллаштирадиган анион каналлари – макси-анион канали ва ҳажмга боғлиқ анион канали бўлиши мумкин.

Жаҳон илмий-тадқиқот фаолиятида ҳажм фаоллаштирадиган анион каналларини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар алоҳида ўринни эгаллайди. Ушбу каналлар ҳужайра ҳажмини бошқариш тизимига ҳамда онкогенез ва метастазлар ҳосил бўлишида катта ахамиятга эга бўлган пролиферация, миграция ва апоптоз жараёнларига катта ҳисса қўшади. Ҳажм фаоллаштирадиган анион каналлари физиологик ва патофизиологик жиҳатдан аҳамиятли эканлигига қарамай, улар меланома ҳужайраларида деярли ўрганилмаган ва ҳозирги кунга қадар етарли даражада паст концентрацияларда ҳажм фаоллаштирадиган анион каналларига таъсир қила оладиган кучли ингибитор ёки активатор мавжуд эмас. Шунинг учун ҳажм фаоллаштирадиган анион каналларининг янги селектив ва шу билан бирга токсиклиги паст бўлган ингибиторлари ёки активаторларини излаш ўта долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда янги дори воситаларини ишлаб чиқариш амалиётига илмий ва инновацион ютуқларни қўллашга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»[1] бўйича вазифалар белгиланган. Бундан ташқари, Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг тўртинчи устувор йўналишида ҳам «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш»[1] каби муҳим вазифалар белгиланган. Мазкур контекстда, анион транспорти тизимини культурадаги ҳужайраларда, хусусан меланома ҳужайраларида ўрганиш ҳамда Ўзбекистонда ўсадиган ўсимликлардан ажратиб олинган моддалар орасидан ҳажм фаоллаштирадиган каналларнинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

модуляторларини излаш терининг саратон касалликларини даволашнинг янги йўлларини белгилаш ва хавфли касалликларга қарши курашишда юқори самарали дори воситаларини ишлаб чиқариш имконини беради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунё миқёсида меланома ҳужайралари пролиферативь хоссаларига ион каналларининг таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида асосан катион каналлари ёритилади. Кўрсатилишича, турли типдаги калий каналлари экспрессиясини ингибирлаш ҳужайра циклини тўхташига олиб келади [Lepple-Wienhues et al., 1996, Allen et al., 2010], кальцийга боғлиқ калий каналини фаоллашуви метастазлар ҳосил бўлишини стимуляциялайди [Schmidt et al, 2010], депога боғлиқ кальций оқими меланоманинг метастазланишида бевосита рол ўйнайди [Sun et al., 2014]. Бироқ, меланома ҳужайраларидаги анион каналлари ҳақида тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас.

МДҲ мамлакатларида ҳужайра ҳажмини бошқариш жараёнларини ўрганиш Орлов С.Н. ва Максимов Г.В. ва уларнинг ходимлари ишларида акс этган. Жумладан, апоптоз, некроз ва пуринергик рецепторларни фаоллашишида ҳужайра ҳажмини бошқарилиши, ҳужайра ҳажмини ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ион транспортининг роли, томир силлиқ мускул ҳужайраларининг қисқарувчи функциясини бошқарилиш механизмлари, лимфоид ҳужайраларининг фаоллашиши ва уларни дастурлашган ўлими жараёнларида плазматик мембраналардаги хлор каналларининг иштирокини таҳлил қилиш амалга оширилган. Михайлова И.Н. гуруҳи томонидан одам териси меланомаси моделларини яратиш ва уларни илмий ва клиник олди тадқиқотларда меланомага қарши воситалар кашф қилишда қўллаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бироқ, анион транспорти тизими ва ҳужайра ҳажмини бошқариш жараёнларининг ўсмалар ҳосил бўлиши ва уларни метастазлар беришига қўшадиган ҳисссаси ўрганилмай қолмоқда.

Республикамизда академиклар Ташмухамедов Б.А., Арипов Т.Ф. ва Сабиров Р.З. ҳамда профессорлар Усманов П.Б., Асраров М.И., Мирходжаев

У.З. лабораторияларида мембраналар биофизикаси, ион каналари ва транспортерларнинг ҳужайра физиологияси бўйича кенг кўламли тадқиқотлар амалга ошилмоқда. Кальций транспорти тизимларининг юрак ва силлиқ мускулларининг қисқаришидаги роли, мегапоранинг митохондриялардаги роли ва ҳужайра энергетикасини табиий биологик фаол моддалар ёрдамида коррекциялаш, краун-эфирларнинг мембрана фаоллиги борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ташкилотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзМУ ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф5-Т080 «Ҳажм фаоллаштирадиган анион транспортининг молекуляр физиологияси ва биофизикаси» (2012-2016), ФА-А11-Т060 «Перспектив иммуномодулятор ва саратонга қарши препаратлар сифатида ҳужайра ҳажм бошқарилиши ва ҳажмга боғлиқ анион каналларининг янги модуляторларини излаш» (2015-2017), ФА-Ф5-014 «Ҳажмга боғлиқ анион каналларининг биофизикавий фенотипи ва ҳужайра ҳажм бошқарилиш механизмидаги функцияларини ўрганиш» (2017-2020) ва ПЗ-2017-0920-49 «Маҳаллий хом-ашё асосида ҳужайра ҳажм бошқарилиши ва ҳажмга боғлиқ мембрана транспорти модуляторлари бўлган янги перспектив субстанцияларни тадқиқи» (2018-2020) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади культурада ўстирилаётган ҳужайралар плазмалеммасидаги ҳажм фаоллаштирадиган анион транспорти тизимларининг биофизикавий тавсифларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

КМЛ меланомаси ҳужайралари культурасида макси-анион каналининг биофизикавий профили (фаоллашуви, амплитудаси, вольт-ампер характеристикалари, потенциалга боғлиқлик, танловчанлик, АТФ учун ўтказувчанлик) ва фармакологик хоссаларини аниқлаш;

КМЛ меланомаси ҳужайралари культурасида ҳажмга боғлиқ анион каналининг биофизикавий профили (фаоллашуви, амплитудаси, вольт-ампер характеристикалари, потенциалга боғлиқлик, танловчанлик) ва фармакологик хоссаларини аниқлаш;

КМЛ меланомаси ҳужайралари ўстириш муҳитининг ҳажмга боғлиқ анион канали биофизикавий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

ҳажмга боғлиқ анион каналининг фаолиятида LRRC8A оқсилининг ролини тадқиқ қилиш;

ҳажмга боғлиқ анион канали фаоллигини модуляторлари сифатида биологик фаол моддаларни *in vitro* скрининг қилиш учун мос келадиган ҳужайра моделларини аниқлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси флорасидан ажратиб олинган ўсимликлар асосида каналнинг истиқболли блокаторларини топиш.

Тадқиқотнинг объекти КМЛ сичқон меланомаси, HeLa одам аденокарциномаси, HCT116 одам йўғон ичак саратони, KB одам

аденокарциномаси ва унинг цисплатинга чидамли варианти, KCP-4 ҳужайра культура линиялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети культурада ўстирилаётган ҳужайралар мембранасидаги макси-анион ва ҳажмга боғлиқ анион каналларининг биофизикавий ва фармакологик хоссалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида биофизика, электрофизиология ва молекуляр биологиянинг замонавий методлари: электрофизиологик тадқиқотлар учун токларни микролокал ўлчаш методи – пэтч-кламп; оқсиллар экспрессияси даражасини ген учун учун хос ҳолда сусайтириш (нокдаун) учун РНК-интерференцияси методи; генларнинг тўлиқ тўпламини экспрессияланиш даражасини аниқлаш учун микроматрицали таҳлил; *Lrrc8a* экспрессиясини миРНК ёрдамида нокдаун қилишни баҳолаш учун тескари транскрипция билан полимеразали занжирли реакция методи.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

КМЛ ҳужайралари катта ўтказувчанликдаги анион каналини экспрессиялаши аниқланган, меланомадаги макси-анион каналининг биофизикавий профили ва унинг фармакологик хоссалари батафсил аниқланган;

осмотик стресснинг КМЛ ҳужайраси мембранасида оралиқ ўтказувчанликдаги ҳажмга боғлиқ анион каналини фаоллаштириши аниқланган, ҳажмга боғлиқ анион каналининг биофизикавий профили ва унинг фармакологик хоссалари батафсил ёритиб берилган, культурани ўстириш муҳитининг канал биофизикавий хоссаларига кескин таъсир кўрсатиши аниқланган;

LRRC8A оқсили ҳажмга боғлиқ анион каналининг алмаштириб бўлмайдиган компоненти эканлиги, лекин унинг цисплатинга чидамли саратон ҳужайраларидаги каналнинг фаоллиги учун етарли эмаслиги аниқланган;

HeLa ва HCT116 ҳужайра линиялари ҳажмга боғлиқ анион каналининг янги модуляторларини излашда адекват модели эканлиги кўрсатилган, ўсимлик моддалари орасидан каналнинг истиқболли ингибиторлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳажмга боғлиқ анион канали меланомани даволаш учун саратонга қарши препаратларни излашда янги нишон бўлиши асосланган;

ҳажмга боғлиқ анион каналининг фаоллигини самарали сусайтира оладиган, токсиклиги кам бўлган кардио- ва нейропротекторлар ва саратонга қарши янги препаратларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қила оладиган, ўсимликлардан ажратилган янги блокаторлар аниқланган.

Тадқиқот натижаларинин г ишончлилиги тадқиқотларда замонавий биофизикавий усуллар ва молекуляр биологиянинг методларини қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Хулосалар Стьюдент критерийси ёки вариацион анализдан (ANOVA) фойдаланган ҳолда OriginPro, 5-8 версияси (OriginLab Corporation, АҚШ) компьютер дастурини қўллаб,

ишончлилик эҳтимоли *P*<0,05 бўлган даражада, замонавий математик статистика методлари ёрдамида таҳлил қилинган натижалар асосида чиқарилган. Олинган натижаларнинг ишончлилигининг исботи бўлиб, мутахассисларнинг берган эксперт баҳолари, олинган натижаларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокама қилинганлиги, ва тадқиқот натижаларининг рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти меланома ҳужайраларида ҳужайранинг энг муҳим физиологик вазифаларидан бири – ҳужайра ҳажмининг бошқарилиши учун масъул бўлган анион каналлари, макси-анион канали ва ҳажмга боғлиқ анион каналлари экспрессиясининг аниқланганлиги ва биринчи бор меланома ҳужайраларидаги анион каналларининг биофизикавий тавсифи ва фармакологик профили батафсил таърифлангани билан изохланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти, биз аниқлаган меланомадаги каналлар саратонга қарши препаратларнинг янги истиқболли авлоди ва таъсир механизмини ёритиш учун янги самарали нишон бўлиши мумкинлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Культурадаги ҳужайраларда анион транспорти системаси ҳақида олинган илмий натижалар асосида:

ҳажмга боғлиқ анион каналининг пора ҳосил қилишига LRRC8A оқсилининг қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар импакт-фактори юқори бўлган хорижий журналларда канал суббирликларининг структураларини аниқлашда фойдаланилган (*eLife* 2019, V.8, Scopus CiteScore 6.99; *Biophysical Journal* 2019, V. 116, Scopus CiteScore - 3.26; *Current Topics in Membranes* 2018, V.81, P. 177-203, Scopus CiteScore – 3.29; *Oncology Reports* 2018, V.40, Scopus CiteScore – 3.07).Натижалар ҳажмга боғлиқ анион каналининг уч ўлчамли структурасидаги LRRC8A оқсилининг ҳолатини тавсифлаш имконини берган;

ҳажмга боғлиқ анион каналининг фаоллигини қайд этиш учун LRRC8 оиласига кирувчи оқсиллардан ташқари номаълум регулятор компонентнинг экспрессияси ҳам зарурлиги ҳақидаги маълумотлар импакт-фактори юқори бўлган хорижий журналларда ҳажмга боғлиқ анион канали порасининг регуляторларини излашда фойдаланилган (*Experimental Neurobiology* 2019, V. 28, №2, P. 183-215, Scopus CiteScore –2.67; *Experimental Neurobiology* 2019, V. 28, №2, P. 131-133, Scopus CiteScore –2.67; *EMBO Journal* 2017, V. 36, Scopus CiteScore – 8.28). Натижалар ҳажмга боғлиқ анион каналлари пораларининг регуляторларини излаш борасидаги тадқиқотларни давом эттириш имконини берган;

АТФ молекулаларини ҳажм фаоллаштирадиган каналлар орқали ташилиши ҳақидаги маълумотлар импакт-фактори юқори бўлган хорижий журналларда ҳажмга боғлиқ анион каналининг ион ташувчи хоссаларини тавсифлашда фойдаланилган (*International Journal of Molecular Sciences* 2018,

V.19, P. 808, Scopus CiteScore – 4.32; *Pharmacological Reviews* 2019, V.71, P. 49-88, Scopus CiteScore – 18.73; *Current Topics in Membranes* 2018, V.81, P. 125-176, Scopus CiteScore – 3.29). Натижалар АТФ молекулаларини ҳажм фаоллаштирадиган каналлар орқали ташилишини тавсифлаш имконини берган;

ферутининнинг одам аденокарциномаси HeLa ҳужайраларидаги ҳажмга боғлиқ анион каналининг фаоллигига таъсири ҳақидаги натижалар Ф-5-06 «Айрим биорегуляторларнинг таъсир механизмини ўрганиш» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3705-сон маълумотномаси). Натижалар ферутининнинг бир қатор ҳужайра ички жараёнлардаги ролини, жумладан, ҳужайралардаги кальций сигнализациясини ферутинин ёрдамида модуляциялаш механизмини очиб бериш, ферутининнинг мембранафаол хоссаларини аниқлаш ва унинг ҳажмга боғлиқ анион каналига таъсирининг самарасини тавсифлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация коммиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 8 та мақола, шундан 5 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган, тадқиқотларнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ҳажм фаоллаштирадиган анион каналларининг хоссалари»** деб номланган биринчи бобида макси-анион канали ва ҳажмга боғлиқ анион канали (ҲБАК)нинг биофизикавий, фармакологик характеристикалари, ўрганилаётган каналларнинг турли типдаги ҳужайраларда фаоллашуви ва экспрессияси, каналларнинг асосий хоссаларини ҳужайра типига боғлиқлиги ҳақидаги замонавий адабиётлар маълумотлари берилган. Каналларнинг молекуляр структураси, ҳажмга

боғлиқ каналнинг канал пораси суббирлик таркибига боғлиқ ҳолдаги биофизикавий характеристикалари, макси-анион каналининг простагландинларни транспортери сифатида ҳамда АТФ-ўтказувчи канал сифатида фаолият кўрсатиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Анион транспорти системасини ўрганишдаги биофизика ва молекуляр биологиянинг замонавий методлари»** деб номланган иккинчи бобида токларни микролокал ўлчаш методи – пэтч-кламп батафсил ёритилган ва мазкур тадқиқотда фойдаланилган асбоб-ускуналар келтирилган. Ҳужайра культураларини ўстириш протоколлари келтирилган. Молекуляр биологиянинг генлар экспрессиясини пасайтириш, пасайтиришнинг самарасини баҳолаш имконини берувчи методлари, шунингдек керакли генларнинг оверэкспрессияси методлари берилган.

Диссертациянинг **«КМЛ сичқон меланомаси ҳужайраларидаги макси-анион каналининг хоссалари»** деб номланган учинчи бобида КМЛ сичқон меланомаси ҳужайраларидаги макси-анион каналининг биофизикавий ва фармакологик хоссалари тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Макси-анион каналининг фаоллашувини ҳужайра мембранаси фрагментида *inside-out* конфигурациясида пэтч-кламп методи ёрдамида қайд қилдик. Мембрана ажратилгани заҳоти (t=0 мин) каналнинг фаоллиги кузатилмади. Ёзув бошланганидан 1-2 минут ўтгач якка каналлар аста-секин пайдо бўла бошлади, 5-минутга келиб +25 мВ да 10,7±1,9 пА (n=7) амплитудали, ва –25 мВ да 9,92±1,75 пА (n=5) амплитудали 10-15 та каналлар аниқланди (1-расм). Қайд қилинаётган ток потенциалга боғлиқ бўлди ва ±30 мВ дан юқори тест импульслари берилганида тезда фаоллигини йўқотди; якка каналнинг вольт-ампер характеристикалари тўғрилашга эга бўлмади, ўтказувчанлиги 300-400 пСм га мос келадиган қияликка эга чизиқли бўлди. Фаоллашганидан сўнг макси-анион канали ±10 мВ атрофидаги потенциалларда максимал очиқ ҳолат эҳтимолига эга бўлди. КМЛ ҳужайраларидаги макси-анион каналининг катион-анион селективлигини ўрганилганда, ўтказувчанликлар нисбати P_{Cl}/P_{Na} = 8,9±0,4 га тенг бўлиши ва демак канал анион селектив эканлигини кўрсатади. Каналнинг органик анион – глутаматга нисбатан ўтказувчанлигини ўрганиш бўйича тажрибаларда глутамат$^-$ ўтказувчанлигининг хлорга нисбати (P_{Glu}/P_{Cl}) = 0,12 ± 0,01 ни ташкил этди, бу эса каналнинг глутамат ионлари учун ўтказувчан эканлигини билдиради.

Макси-анион каналининг асосий характеристикаларидан бири унинг АТФ молекулалари учун ўтказувчанлиги ҳисобланади. КМЛ меланомаси ҳужайраларида макси-анион каналининг АТФ молекулалари учун ўтказувчанлиги бўйича ўтказилган тажрибалар ўтказувчанликлар нисбати $P_{АТФ}/P_{Cl}$ = 0,07 эканлигини кўрсатди, ва бу КМЛ ҳужайраларининг АТФ молекуласини ўтказа олиши ва ҳужайраларо пуринэргик сигнализацияси учун самарали тарнспорт йўли бўлиб хизмат қилишидан далолат беради.



1-расм. Мембрана фрагментини ажратиш методи ёрдамида макси-анион каналини фаоллаштириш. (А) Вақт давомида, 0,5 сек давомийликда ва 10 сек. интервал билан ±25 мВ амплитудали тест-потенциаллар серияси берилганда мембрана фрагменти орқали токнинг ортиши кўрсатилган. P_on – очиқ каналларнинг ўртача сони. (Б) Макси-анион каналининг потенциалга боғлиқ ҳолда «ўчиши»нинг тасвири. Импульслар фиксацияланган 0 мВ потенциалидан 10 мВ қадам билан ±70мВ диапазонда берилган.

КМЛ ҳужайралари плазмалеммасида қайд қилинадиган макси-анион каналининг фармакологик профилини тасдиқлаш учун тажрибаларнинг навбатдаги сериясида inside-out конфигурациясида анион токининг классик блокаторлари SITS ва NPPB ҳамда outside-out конфигурациясида гадолиниум ионларидан (Gd^{3+}) фойдаланилди. Бизнинг тажрибаларимизда аниқланишича, ювувчи эритма таркибига анион транспорти блокатори SITS 100 мкМ концентрацияда қўшилиши макси-анион каналининг ўтказувчанлигини +25 мВ да назоратга нисбатан ўртача ~30% га камайишига олиб келади (2А-расм). Анион транспорти блокатори NPPB дан фойдаланилганда, у 100 мкМ концентрацияда макси-анион канали орқали токни ҳам пасайишини чақирганлиги аниқланди, бироқ бу ҳолда ингибирланиш анча кучли даражада бўлиб, назоратга нисбатан +25 мВ да ~40% ни ташкил этди. Гадолиниум лантаноиди ионларини КМЛ ҳужайраларидаги макси-анион канали фаоллигига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибаларимизни outside-out конфигурациясида олиб бордик. Бунда биз ювувчи эритма таркибига 30 мкМ модда қўшилганида токни бутунлай блокланганлигини кузатдик (2Б-расм). Келтирилган тажрибалардан канал анион токи блокаторлари SITS ва NPPB га сезгирдир ва анион каналлари ичида фақатгина макси-анион каналини блоклайдиган гадолиниум лантаноиди ионлари билан тўлиқ блокланади, деган хулосага келиш мумкин. SITS, NPPB ва Gd^{3+} ларнинг КМЛ ҳужайраларида макси-анион каналининг ўтказувчанлигига биз қайд этган таъсирлари неонатал кардиомиоцитлар [Dutta et al., 2004], етук кардиомиоцитлар [Dutta et al., 2008], сичқон астроцитлари [Liu et al., 2008], C127 сут бези саратони [Sabirov et al., 2014] ва L929 фибросаркома [Islam et al., 2012] учун берилган маълумотларга ўхшашдир.



2-расм. КМЛ ҳужайраларидаги макси-анион каналига Gd^{3+} ва анион токининг классик блокаторларининг outside-out ва inside-out конфигурациялардаги таъсири. SITS ва NPPB (inside-out) – (А), Gd^{3+} (outside-out) – (Б) блокаторлар иштирокида қолдиқ токнинг ўртача катталиклари келтирилган. Каналлар ±25 мВ берилганда қайд қилинган. *назоратга нисбатан P<0.05.

Тўртинчи боб **«КМЛ сичқон меланомаси ҳужайраларидаги ҳажмга боғлиқ анион каналининг хоссалари»** деб номланган ва унда ҳажмга боғлиқ анион канали ҲБАКнинг биофизикавий ва фармакологик хоссалари, якка каналининг характеристикаси ҳамда культурани ўстириш муҳитининг КМЛ сичқон меланомаси ҳужайраларидаги ўрганилаётган каналнинг биофизикасига таъсирини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Ўстирилаётган ҳужайралар культураси whole-cell конфигурацияда ўрганилди, бунда пипеткадаги эритманинг юқори гипертоник бўлиши ҳужайрани шишишига ва бу билан параллел равишда ҲБАКнинг фаоллашишига олиб келди (3А-расм). Ҳажмга боғлиқ ўтказувчанликнинг фаоллашишининг ярим-максимал вақти 9,5 ± 0,6 мин ни ташкил этди (n=6). Ҳажм билан фаоллашган макроскопик ток яққол ташқи тўғриланишга эга бўлди ва +80 мВдан юқори мусбат потенциалларда инактивацияланди. Бунда деполяризация даражаси ортиши билан инактивацияланиш тезлиги ҳам ортиб борди (3Б-расм). Ҳажм фаоллаштирадиган токнинг зичлиги +100 мВ да 236±25 пА/пФ (n=7) ни ташкил этди. Ўлчанган ток аниқ ифодаланган ташқи тўғриланишга эга бўлди, кирувчи токнинг чиқувчи токка нисбати ±100 мВ да 6,5 ± 0,5 (n=7) га тенг бўлди (3В-расм). Ҳажмга боғлиқ анион каналининг танловчанлик хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тажрибаларни кўрсатишича, ювувчи Рингер (146 мМ Cl^-) эритмаси хлор ионларининг концентрацияси анча паст бўлган эритмага (135 мМ глутамат + 11 мМ Cl^-) алмаштирилганда реверция потенциали $\Delta E_{рев}$ = 36,9 ± 2,6 мВ (n=6) силжиши рўй берди, бу қайд қилинаётган токнинг кўпроқ анион танловчанлигидан далолат беради. P_{Glu}/P_{Cl}, ўтказувчанликларнинг нисбати 0,17 ± 0,03 (n=6) ни ташкил этди. Шундай қилиб, КМЛ ҳужайра линиясидаги



3-расм. КМЛ ҳужайраларида ҲБАК специфик блокаторининг таъсири. (А) Осмотик шишиш шароитида КМЛ ҳужайраларидаги ҳажмга боғлиқ хлор токининг ± 25 мВ тест импульслари берилган вақтдаги фаоллашиши (стрелкалар билан -100 мВ дан +100 мВ гача диапазондаги тест импульси берилган моментлар белгиланган). (Б) Ҳажмга боғлиқ хлор токининг мембрана потенциалига боғлиқ ҳолда инактивацияланиш кинетикаси (тест импульси берилган моментлар стрелкалар билан (А) расмда белгиланган). *Чапда* назоратда ва *ўнгда* DCPIB билан ингибирланганидан сўнг тест импульсларига токнинг жавоби кўрсатилган. (В) КМЛ ҳужайраларидаги ҳажмга боғлиқ хлор токининг ҲБАК ингибиторлари таъсиридаги вольт-ампер характеристикалари. Назоратда (□) ва ювувчи эритма таркибига блокаторлар: флоретин 50 мкМ (◊), тамоксифен 100 мкМ (○), DCPIB 30 мкМ (Δ) қўшилганида.

тажрибаларимиздан олинган ўтказувчанликларнинг нисбати каналнинг хлор ионларига юқори даражада селектив эканлигини билдиради.

КМЛ ҳужайраларидаги биз тавсифлаб берган каналнинг фармакологик профилини аниқлаш учун ҳажмга боғлиқ анион каналининг блокаторлари – флоретин, тамоксифен, DCPIB ларни таъсирини ўргандик. Ювувчи эритмага 50 мкМ флоретин қўшилганда КМЛ ҳужайраларида чиқувчи токнинг ингибирланиши +25 мВ да 84 ± 3% (n=5) ни ташкил этди, кирувчи ток эса – 25 мВ да 83 ± 2% (n=5) га ингибирланди (3-расм). Тамоксифен (100 мкМ) билан ўтказилган тажрибаларда +25 мВда ингибирланиш 87 ± 2% (n=5) га, – 25 мВ да 84 ± 3% (n=5) га тенг бўлди (3-расм). ҲБАКнинг ҳозирги кунда энг кучли блокатори DCPIB бирикмаси ҳисобланади. Маълумки, мазкур ингибитор бошқа анион каналлари ҳамда потенциалга боғлиқ натрий, калий ва кальций каналларига таъсир қилмайди [Okada et al., 2006; Decher et al., 2001]. DCPIB 30 мкМ концентрацияда потенциални қандай бўлишидан қатъий назар, ҳажмга боғлиқ анион каналини деярли тўлиқ блоклади ва КМЛ ҳужайраларидаги кирувчи ва чиқувчи токларнинг блокланиши тегишли равишда 95 ± 1% (n=5) ва 93 ± 1% (n=5) ни ташкил этди (3-расм). Шундай қилиб, барча учта модданинг КМЛ ҳужайраларидаги ингибирловчи таъсири назоратга нисбатан сезиларли бўлди ва 80% дан юқори бўлди (3В-расм).



4-расм. КМЛ ҳужайраларидаги якка ҳажмга боғлиқ анион каналининг фаоллиги ва амплитудалар тақсимланиш гистограммасинининг кўриниши. (А) гипоосмотик стрессда +140 мВ тўғри бурчакли импульслар берилганда якка ҳажмга боғлиқ анион каналининг фаоллигини кўриниши. (Б) (А) расмда келтирилган барча нуқталарнинг тақсимланиш гистограммаси; «О» ва «З» тегишли равишда очиқ ва ёпиқ ҳолатларни билдиради. (В) Якка каналлар амплитудасининг +140 мВ да тақсимланиш гистограммаси. Амплитудалар 9та пэтчда олинган (А)дагига ўхшаш ёзувларда курсорни очиқ ва ёпиқ холатига олиб бориш йўли билан қўлда ўлчанди, n=113.

Якка ҳажмга боғлиқ анион каналини қайд қилиш учун пэтч-кламп усулининг on-cell конфигурациясидан фойдаландик. 4Б-расмда амплитудаларнинг +140 мВ да тақсимланиш гистограммаси келтирилган; КМЛ ҳужайраларидаги канал амплитудасининг ўртача қиймати 4,5 ± 0,9 пА (9 пэтчдан, n=113)ни ташкил этди (4В-расм). 5-расмда КМЛ ҳужайраларидаги якка ҳажмга боғлиқ анион каналининг вольт-ампер характеристикаси кўрсатилган. Расмда кўринганидек, қайд қилинган якка каналлар ҳамда whole-cell конфигурациясида биз қайд этган макроток, аниқ ифодаланган ташқи тўғриланишга эгадир. Ушбу биофизикавий характеристика, потенциалга боғлиқ инактивацияланиш билан бирга, айнан ана шу типдаги якка каналлар КМЛ ҳужайраларининг осмотик шишишида фаоллашадиган макроскопик анион токига масъуллигини исботлайди.



5-расм. КМЛ ҳужайраларидаги якка ҳажмга боғлиқ анион каналининг вольт-ампер характеристикаси. Каналларнинг амплитудаси фиксация потенциали 0 мВ га тенг бўлган вақтда тест импульси берилганда ўлчанган, ион токи 500 мс давомида 100 мВ пре-импульс ёрдамида максимал фаоллаштирилди; сўнгра мембранага 20 мВ қадам билан ва 1000 мс давомийликда −100 мВ дан +140 мВ гача тест импульслари юборилди. Натижалар 12 пэтчдан олинган ўртача қиймат сифатида келтирилган (n=4-35).

КМЛ ҳужайраси линияси C57bl сичқонларнинг думи венасига B16 ҳужайралари суспензиясини юборилгандан сўнг ҳайвонлар ўпкасида ҳосил бўлган метастазадан ажратилган. Бунда ҳужайраларга асос бўлган B16 линияси DMEM муҳитида ўстирилади, КМЛ эса RPMI-1640 муҳитида ажратиб олинган ва унда ўстириш учун мослаштирилган. Маълумки, ўстириш муҳити B16 сичқон меланомаси линиясининг ҳужайра физиологияси ва биокимёсига [Aubert et al., 1992], хусусан меланогенез ва метастаза бера олиш хусусиятига сезиларли даражада таъсир қилиши мумкин. Шу муносабат билан биз тажрибаларимизнинг навбатдаги сериясида КМЛ сичқон меланомаси ўстириш муҳитининг ҲБАКнинг фаоллигига таъсирини ўргандик. Макроскопик токнинг фаоллашиш кинетикаси ва асимметрияси деярли бир хил бўлганлиги намойиш қилинди. Бироқ, токнинг селектив хоссалари ва якка каналнинг амплитудаси RPMI-1640 ва DMEM муҳитларида ўстирилаётган КМЛ ҳужайраларида сезиларли даражада фарқ қилди (6-расм). Бундан меланома ҳужайраларини ўстириш шароитларини ўзгариши ҲБАКнинг суббирлик таркибини ўзгаришига олиб келиши мумкин, деб тахмин қилиш мумкин. ҲБАКнинг пора ҳосил қилувчи асосий компоненти бўлиб, таркибида 5 та LRRC8A/B/C/D/E паралоглари бўлган LRRC8 оиласи оқсиллари ҳисобланади. Бунда каналнинг фаолият кўрсатиши учун LRRC8Анинг оила вакилларидан бири билан жуфтликда экспрессияланиши зарурдир [Syeda et al., 2016; Voss et al., 2014]. Бизнинг натижаларимиз LRRC8 оиласи оқсилларининг экспрессия даражасига ўстириш шароитининг таъсир қилиши, шундай экан, ҳажмга боғлиқ анион каналининг структурасидаги молекуляр комбинацияларнинг ўзгаришига ҳам таъсир қилиши тўғрисидаги тахминни тасдиқлайди.



6-расм. КМЛ ҳужайраларидаги ҲБАКнинг культура ўстириш шароитига боғлиқ ҳолдаги биофизикавий хоссалари. (А ва Б) Графикда ювувчи эритма таркибига Na-глутамат қўшилганда турли муҳитлар (DMEM ва RPMI-1640)да ўстирилган КМЛ ҳужайра линиясида олинган реверсия потенциали (А) ва хлорга нисбатан глутумат ўткавчанлиги (Б) кийматлари солиштирилган. (В) Графикда турли муҳитлар (DMEM ва RPMI-1640) да ўстирилган КМЛ ҳужайра линиясида олинган якка каналлар амплитудасининг ўртача қийматлари солиштирилган. КМЛ (RPMI-1640) га нисбатан КМЛ (DMEM) учун * $P < 0.05$.

Диссертациянинг **«LRRC8 оиласи оқсилларининг ҲБАК фаолиятидаги роли»** деб номланган бешинчи бобида КМЛ сичқон меланомаси ҳужайраларида LRRC8A оқсили экспрессияси сусайтирилганда ҳажмга боғлиқ анион каналининг фаоллигини ҳамда LRRC8 оиласи оқсилларининг оверэкспрессияларини цисплатинга чидамли ҳужайралардаги ҲБАК фаоллигига таъсирини тадқиқ қилишдан олинган натижалар келтирилган. Маълумки, LRRC8A оқсили ҲБАК фаоллигининг абсолют зарурий компоненти ҳисобланади. Шунинг учун тажрибаларнинг навбатдаги сериясида биз КМЛ ҳужайраларидаги каналнинг фаолиятига LRRC8Ани қўшган ҳиссасини ўргандик. LRRC8Анинг экспрессиясини сусайтириш учун кичик интерференцияловчи РНК (киРНК) методидан фойдаланилди.

КМЛ ҳужайраларида ҳажмга боғлиқ анион канали фаоллигини назоратда ва киРНК *Lrrc8a* трансфекциясидан сўнг бевосита қайд қилиш учун биз пэтч-кламп тажрибаларини ўтказдик. Назоратдаги киРНК ни кодламайдиган трансфекцияланган ҳужайраларда биз ҲБАКнинг ток зичлиги +40 мВ да 164±45 пА (n=4) га тенг бўлган нормал фенотипини кузатдик. Бироқ, *Lrrc8a* гени учун хос бўлган киРНК трансфекцияланган ҳужайраларда, токнинг зичлиги +40 мВ да анча паст бўлиб, атиги 50±12 пА (n=4) ни ташкил этди, бу статистик жиҳатдан назорат катталигидан анча пастдир. Бунда 20 мВ қадам билан ±100 мВ тест импульслари берилганида ҲБАК фаоллигини пасайишидан ташқари токнинг потенциалга боғлиқ инактивацияланишини деярли тўлиқ йўқолганини кузатдик, бу эса назоратдаги ҳужайралардаги токнинг ҳолатидан кескин фарқ қилади (7-расм).



7-расм. киРНК *Lrrc8a* мавжуд бўлган КМЛ ҳужайраларидаги ҲБАКнинг фаоллиги. (А) +40 мВ берилганда назоратда ва LRRC8A (n=4) нокдаунда токнинг зичлиги. (Б) Ҳажмга боғлиқ хлор токининг мембрана потенциалига боғлиқ ҳолда инактивацияланишининг кинетикаси, фиксация потенциали 0 мВ, ион токи −100 мВ пре-импульсда 100 мс давомида максимал фаоллаштирилди; сўнгра мембранага 20 мВ қадам ва 100 мс давомийлик билан −100 мВ дан +100 мВ гача тест импульслари юборилди.

Шундай қилиб, бизнинг тажрибаларимиз барча далиллар билан LRRC8A оқсили КМЛ сичқон меланомаси ҳужайраларидаги ҳажмга боғлиқ анион каналининг зарур компоненти ҳисобланишини исботлайди. Бу эса HCT116 йўғон ичак саратони [Voss et al., 2014] ҳамда одамнинг HeLa бачадон бўйни саратони ҳужайралари ва Т-лимфоцитлари учун олинган натижаларга мос келади [Qiu et al., 2014].



8-расм. КСР-4 ҳужайраларида LRRC8A оверэкспрессияси, ҳамда LRRC8A+LRRC8D коэкспрессиясидаги натижалар келтирилган. (А) ҲБАКнинг КВ (Δ) ва КСР-4 ҳужайраларида назоратда (○) ва LRRC8A-IRES-EGFP вектори билан (●) вольт-ампер характеристикаси. (Б) КВ, КСР-4 ва LRRC8A-IRES-EGFP вектори билан трансфекцияланган КСР-4 ҳужайраларида ток зичлигининг +40 мВ даги қиймати. (В) КВ, КСР-4 ва LRRC8A-IRES-EGFP ва LRRC8D-IRES-EGFP ёки фақатгина LRRC8D-IRES-EGFP вектори билан трансфекцияланган КСР-4 ҳужайраларида ток зичлигининг +40 мВ даги қиймати.

LRRC8 оиласи оқсилларининг ҲБАК фаолиятидаги ролини янада ўрганиш учун биз одам карциномаси ҳужайраси линиялари КВ ва КСР-4 да тажриба ўтказдик. КВ линияси КСР-4 учун асос ҳисобланади, иккинчиси ўстириш муҳити таркибида юқори концентрацияда цисплатин бўлишига чидамли ва бундан ташқари, КВ да ҲБАК фаоллиги КСР-4 даги каналнинг фаоллигидан анча юқоридир, бундан мембрана орқали цисплатин транспортида ҳажмга боғлиқ анион каналининг иштирок этишини тахмин қилиш мумкин [Hazama

et al., 2000; Lee et al., 2007]. Дарҳақиқат, яқинда ўтказилган тажрибалар LRRC8D оқсилининг платина (цисплатин ва карбоплатин) асосида олинган саратонга қарши препаратларнинг ташилишида жавобгар ҳисобланишини исботлаб берди [Planells-Cases et al., 2015].

КСР-4 ҳужайраларида LRRC8 оиласи оқсилларининг оверэкспрессияланиши ҲБАК фаоллигини КВ ҳужайраларида қайд қилинган даражагача тикланишига олиб келади, деб тахмин қилиш мантиқан тўғридир. 8-расмдан кўринганидек, КСР-4 ҳужайраларини pCMV-LRRC8A-IRES-EGFP вектори билан трансфекциясидан сўнг ток зичлиги кўпаймади, аксинча, анча камайди ва 57±7 пА/пФ (n=6) ни ташкил этди. Шундай қилиб, LRRC8A оқсилининг оверэкспрессияси нафақат КСР-4 ҳужайраларидаги ўтказувчанликни КВ кўрсаткичларигача тикламади, балки биз ўрганаётган каналнинг фаоллигини яна ҳам кўпроқ сусайтирди (8 А, Б-расм).



9-расм. HCT116 ҳужайраларида осмотик шишишга жавобан фаоллашган ҳажмга боғлиқ хлор токига 41 мкг/мл концентрациядаги плантагин таъсири. (А) Макроскопик токнинг 0 мВ дан ±25 мВ гача бўлган тест импульсига (ҳар 5 с да) жавобан ўзгаришини whole-cell конфигурациясида қайд қилиш. (Б) Ҳажмга боғлиқ хлор токининг мембрана потенциалига боғлиқ ҳолда инактивацияланиш кинетикаси. Тест импульсларини бериш моментлари (А) расмда стрелкалар билан белгиланган.

Маълумки, LRRC8 оиласи бешта аъзо (A, B, C, D ва E) дан иборат ва ҲБАКнинг меъёрида ишлаши учун LRRC8A қўшимча С, Д ёки Е паралогларидан бири билан коэкспрессияланиши зарурдир. Юқорида таъкидланганидек, LRRC8D оқсили платина асосида олинган препаратларнинг ташилиши учун масъул ҳисобланади, шунинг учун биз ушбу паралогни мембранага кўп миқдорда киритилиши КСР-4 ҳужайраларида ҲБАК фаоллигининг тикланишига олиб келиши мумкин, деб тахмин қилдик. Бироқ, кутганимиздан фарқли равишда, бизнинг тажрибаларимизда фақатгина LRRC8D оверэкспрессияси ҳамда LRRC8A ни LRRC8D билан биргаликдаги экспрессияси КСР-4 ҳужайраларида ток

зичлигига айтарли таъсир қилмади. Бунда канал фаоллигини назоратга нисбатан пасайиши ҳам кузатилмади (8В-расм).

Шундай қилиб, олинган натижаларни қуйидаги тахмин билан тушунтиришимиз мумкин. LRRC8 оиласи оқсиллари ҲБАКнинг тўлақонли ишлаши учун зарурий, лекин етарли компонент эмас. Каналнинг фаоллашиши учун керак бўлган яна битта ёки ундан кўпроқ оқсил зарур, ва айнан шу компонент цисплатинга чидамли КСР-4 ҳужайраларида етишмайди.

Диссертациянинг **«HeLa ва HCT116 ҳужайраларидаги ҲБАК нинг хоссалари ва уни ўсимликлардан ажратилган биологик фаол моддалар ёрдамида модуляциялаш»** деб номланган олтинчи бобида HeLa ва HCT116 ҳужайраларидаги ҲБАКнинг фаоллигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳамда ўсимликлардан ажратилган турли субстанцияларни ҲБАКнинг фаоллигига таъсири келтирилган. Тажрибаларнинг навбатдаги серияси HeLa ва HCT116 ҳужайраларидаги ҳажмга боғлиқ анион каналининг қайд қилинган биофизикавий характеристикалари адабиётларда илгари бошқа типдаги ҳужайралар учун келтирилган характеристикаларга ўхшашлигини кўрсатди [Okada et al., 2019; Okada et al., 2018]. Тажрибаларда ҳужайраларнинг ўрганилган линиялари ўзларини ҲБАКнинг фаоллигига турли субстанциялар таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар ўтказиш учун талабларга яхши жавоб берадиган линия сифатида намоён қилдилар. Биз буни ўсимликлардан ажратилган моддаларни ушбу икки типдаги ҳужайраларда ҲБАК фаоллигига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказган кейинги тажрибаларимизда кўрсатдик. Бунда биз ҲБАКнинг ўтказувчанлигини модуляцияловчи бир қатор моддаларни аниқладик. Масалан, плантагин полифенол препарати анча кичик концентрацияларда ҳажмга боғлиқ анион каналини тўлиқ ингибирлади (9-расм). 9-расмда плантагин учун келтирилганидек, ўхшаш натижалар ўсимликлардан ажратилган қуйидаги моддалар учун олинди. Масалан, ферутинин, каратавик ва гальбан кислоталари ҳам ҲБАКни блоклади. Леманин флавоноидини ўрганганимизда, мазкур модда ҳам ўта кичик концентрацияларда ҲБАКни тўлиқ блоклаши кўрсатиб берилди. ҲБАК фаоллигига полифенол препаратларининг таъсири ўрганилганда ҳам бир қатор истиқболли ва самарали моддалар аниқланди. Масалан, плантагин каби рутан препарати кичик концентрацияларда потенциалга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҲБАКнинг фаоллигини 80% дан кўпроқ пасайтирди, эуфорбин препаратлари эса фақатгина юқори дозаларда фаоллик кўрсатди, бироқ уларнинг таъсири потенциалга боғлиқ характерга эга бўлди.

ХУЛОСАЛАР

1. КМЛ сичқон меланомаси ҳужайраларида макси-анион канали қайд қилинди ва батафсил таърифланди; канал ўтказувчанлиги 300-400 пСм бўлган чизиқли вольт-ампер характеристикасига эга, анион-селектив

(ўтказувчанликлар нисбати P_{Cl}/P_{Na} = 8,9), АТФ молекуласи учун ўтказувчан ($P_{АТФ}/P_{Cl}$ = 0,07) ва Gd^{3+} ионлари билан блокланади.

2. КМЛ сичқон меланомаси ҳужайраларида ҳажмга боғлиқ анион канали қайд қилинди ва батафсил таърифланди; канал оралиқ амплитудага (+140 мВ да 4,5 пА), аниқ ифодаланган ташқи тўғриланишга, юқори деполяризацияловчи потенциаллардаги инактивацияга, ўтказувчанлик нисбати P_{Glu}/P_{Cl} = 0,17 билан анион танлаб ўтказувчанликка эга ва DCPIB, флоретин ва тамоксифенга сезгирдир.

3. КМЛ ҳужайралари культурасини ўстириш муҳити токнинг фаоллашиш кинетикаси ва асимметриясига таъсир қилмаган ҳолда якка ҳажмга боғлиқ анион каналининг амплитудаси (3,6 пА гача) ва унинг танловчанлигини (P_{Glu}/P_{Cl} = 0,21 гача) ахамиятли даражада ўзгартириши кўрсатилди.

4. *Lrrc8a* генининг РНК-интерференцияси КМЛ ҳужайраларидаги ҳажмга боғлиқ анион канали фаоллигини самарали сусайтириши, бироқ унинг экспрессияси цисплатинга чидамли КСР-4 ҳужайраларидаги канал фаоллашиши учун етарли эмаслиги ва мураккаб ҳажмга боғлиқ анион канали оқсил комплексига яна бир номаълум компонент зарурлиги аниқланди.

5. HeLa ва HCT116 ҳужайра линиялари ҳажмга боғлиқ анион канали модуляторларини *in vitro* шароитида скрининг қилиш учун қулай модел сифатида ишлатилиши мумкинлиги кўрсатилди; ўсимликлардан ажратилган биологик фаол моддалар орасида анион каналининг янги самарали блокаторлари: ферутинин, гальбан ва каратавик кислоталари, леманин, пиноцембрин, рутан, плантагин, эуфорбинлар топилди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОФИЗИКИ И БИОХИМИИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

ИНСТИТУТ БИОФИЗИКИ И БИОХИМИИ

ЦИФЕРОВА НАРГИЗА АЛЕКСАНДРОВНА

СИСТЕМЫ ТРАНСПОРТА АНИОНОВ ПЛАЗМАТИЧЕСКИХ МЕМБРАН КЛЕТОК В КУЛЬТУРЕ

03.00.02 – Биофизика и радиобиология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/B8.

Диссертация выполнена в Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.biophys.biochem.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Сабиров Равшан Заирович** доктор биологических наук, академик
Официальные оппоненты:	**Мирходжаев Улугбек Закирович** доктор биологических наук, профессор
	Тонких Анатолий Константинович кандидат биологических наук
Ведущая организация:	**Центр геномики и биоинформатики АН РУз**

Защита диссертации состоится «____» _____2020 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.B.01.13 при Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, Университетская, дом-174.тел. (99871) 246–68–96.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно–ресурсном центре Института биофизикии биохимии при Национальном университете Узбекистана (зарегистрировано под №_____). Адрес: 100174, г.Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, Университетская дом-174. Тел: (99871) 246–68–96. e–mail: ibb-nuu@mail.ru

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № «_____» от _____ 2020).

Саатов Талъат Саатович
Заместитель председателя Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

Асраров Музаффар Исламович
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.б.н.,профессор

Ахмеджанов Искандар Гулямович
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире ежегодно регистрируется от 2 до 3 миллионов случаев немеланомного рака кожи и более ста тысяч случаев меланомы. Согласно данным Всемирной Организации Здравоохранения, каждый третий диагноз рака – это рак кожи. Несмотря на успехи в лечении онкологических заболеваний, обладающих значительной устойчивостью к химиотерапии, таких как меланома, прогноз их остается таким же угрожающим. Поэтому поиск, как новых химических терапевтических агентов, так и новых мишеней – ионных каналов является крайне актуальной задачей современной биофизики и онкологии. Одной из таких мишеней могут предстать объем-активируемые анионные каналы – макси-анионный канал и объем-зависимый анионный канал, относящиеся к системе анионного транспорта клетки.

В мировой научно-исследовательской деятельности особое место занимают работы по изучению объем-активируемых анионных каналов. Эти каналы вносят существенный вклад в систему регуляции клеточного объема, пролиферацию, миграцию и апоптоз – процессы, которые являются ключевыми в онкогенезе и метастазировании. Невзирая на исключительную физиологическую и патофизиологическую важность объем-активируемых анионных каналов, они практически не изучены в клетках меланомы, и до настоящего времени не существует мощного ингибитора или активатора, способного воздействовать на объем-активируемые анионные каналы при достаточно низкой концентрации и с хорошей специфичностью, поэтому поиск новых селективных, и в то же время малотоксичных ингибиторов или активаторов объем-активируемых анионных каналов является крайне актуальной задачей.

В Узбекистане в настоящее время уделяется большое внимание внедрению в практику научных и инновационных достижений при разработке новых лекарственых средств. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены следующие задачи: «Поощрение научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения в практику научных и инновационных достижений». Помимо этого, в четвертом приоритетном направлении по развитию социальной сферы Стратегии действий определены важные задачи «по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, усовершенствование обеспечения населения и медицинских учереждений дешёвыми, качественными лекарственными средствами и медицинскими предметами»[2]. В данном контексте, изучение систем анионного транспорта в клеточных культурах, и в частности в клетках меланомы, а также поиск модуляторов объем-активируемых каналов среди веществ, выделенных из растений Узбекистана,

[1] Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».№ УП-4947.

позволит определить новые пути лечения онкологических заболеваний кожи, и разработать высокоэффективные лекарственные препараты для борьбы со злокачественными заболеваниями.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года, № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 30 декабря 2019 года, № ПП-4554 «О дополнительных мерах по углублению реформ в фармацевтической отрасли Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VI: «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В мировом масштабе научно-исследовательские работы по изучению влияния ионных каналов на пролиферативные свойства клеток меланомы в основном описывают катионные каналы. Было показано, что ингибирование экспрессии разных типов калиевых каналов приводят к остановке клеточного цикла [Lepple-Wienhues et al, 1996, Allen et al, 2010], активация кальций-активируемого калиевого канала стимулирует формирование метастаз [Schmidt et al, 2010], депо-зависимый кальциевый ток принимает непосредственное участие в метастазировании меланомы [Sun et al, 2014]. Однако об анионных каналах в клетках меланомы имеются лишь фрагментарные сведения.

В странах СНГ изучение процессов регуляции объема клетки отражено в работах ученых Орлова С.Н. и Максимова Г.В. и их сотрудников. Так были описаны: регуляция объёма клеток при апоптозе, некрозе и активации пуринергических рецепторов; роль ионного транспорта, сопряженного с изменениями клеточного объема, в механизмах регуляции сократительной функции сосудистых гладкомышечных клеток; анализ участия хлорных каналов плазматических мембран в процессах активации и программированной гибели лимфоидных клеток. Группой Михайловой И.Н. ведутся работы по созданию моделей меланомы кожи человека для научных и доклинических исследований антимеланомных средств. Однако вклад систем анионного транспорта и процессов регуляции объема клетки при образовании опухолей и их метастазировании остается неизученным.

В нашей республике масштабные исследования по биофизике мембран и клеточной физиологии ионных каналов и транспортеров ведутся под руководством академиков Ташмухамедова Б.А., Арипова Т.Ф., Сабирова Р.З., а также в лабораториях профессоров Усманова П.Б., Асрарова М.И., Мирходжаева У.З. Проводятся научные изыскания по роли систем транспорта кальция в сократимости сердечной мышцы и гладкой

